

АБДУЛҚОДИР ЖИЙЛОНИЙ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Тошева Фотима

Шарқ мумтоз адабиёти манбашунослиги ва

матншунослиги магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22637731>

Qabul qilindi: 1-sentabr 2026-yil • Ma'qullandi: 3-sentabr 2026-yil • Nashr qilindi: 5-sentabr 2026-yil

Тасаввуф тарихида ўчмас из қолдирган, халқ ҳаётида буюк зот сифатида ном қозонган инсонлардан бири, кўплаб шоиру-олимлар асарларида улуғ сифатлар билан ёдга олинган Абдулқодир Жийлонийнинг тўлиқ исми – Абу Муҳаммад Муҳйиддин Абдулқодир ибн Абу Солиҳ Шайх Абдулқодир Жийлоний. У киши Расуллулоҳ (с.а.в.) авлодларидан бўлиб, ҳижрий 470(милодий 1077) йилда ҳозирги Эроннинг Гилон кентида туғилган. Ҳижрий 561(милодий 1166) йилда Бағдодда вафот этган. Шу шаҳардаги қабр мақбараси ҳозирда гавжум зиёратгоҳлардан бирига айланган¹.

Ислом дунёсининг машҳур шайхи, қодирия тариқатининг муассиси бўлган бу зоти шарифнинг ҳаётлари ва фаолиятлари борасида кўплаб фикр ва мулоҳазалар баён қилинган. Уларнинг бир қанчаси эса баҳслидир. Бу эса буюк шахснинг жуда машҳурлиги ҳамда ҳаёти ва фаолияти турли даврларда, турли шахслар томонидан ҳар хил талқин этилганлигидандир. Абдулқодир Жийлонийнинг таржимаи ҳоли келтирилган кўпгина асарлар учун инглиз шарқшунос олими Олворд махсус рўйхат тузган. Алишер Навоий “Насойим- ул муҳаббат”² асарида Саййид Абдулқодир Жийлоний Гилон вилоятининг “Баштиз” деган жойида туғилганлар деб маълумот беради. Табаристон деган жойда (Эрон) Гийлон (Жийлон), Гилон ёки Гил деб номланган жой бўлган. “Жил” - Дажлага яқин. Бағдоддан бир кунлик йўл экан. “Жил” дегани Мадянга яқин экан. Шу икки жойни Гили, Гийлоний ва Жилоний деб аташар экан. Кўпчилик Ҳазрат Абдулқодир Жийлонийни икки мавзегга қарашли дейишади. Навоий “Равзат- ун наводир” китобида иқтибос қилиб ёзадики, бу хатодир. У киши Арслан Гийлон вилоятидандир.

Юртимизда Абдулқодир Жийлонийнинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий қарашлари акс эттирилган баъзи асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланади. Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида ушбу асарларнинг бир қисми таржима қилинди ва илм аҳли қўлига етди.

Илмий жамотчиликка маълум бўлган Абдулқодир Жийлонийнинг асарлари қуйидагилар:

“Тухфатул қодирия”нинг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган № 8820/ VIII рақамли қўлёзма нусхаси араб тилида ёзилган бўлиб, ёзилиш санаси 1321- милодий йил, кўчирилиш санаси 1856 йил эканлигини аниқладик. Ушбу асар унвон вароғида “Қасидаи Ғавсия” номи билан битилган бўлиб, унинг қолган қисмида 90 та манқабат ва 1 та курсиймона ва Исми Аъзам баёни берилган.

¹ Shayx Sayyid Abdulqodir Jiyloni. Sirrul asror. Maktubot. Tajimon O. Jo'raboyev –T.: Movaraunnahr. 2005. –B. 8.

² Alisher Navoiyning “Nasoyim- ul muhabbat”. Tanlangan asarlar to'plami. – T.: G'afur G'ulom, 2001. – B.374.

Девоний Ғавсул Аъзам³. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, у Мулла Мир Алим Хўжа исми котиб томонидан кўчирилган. кўчирилиш санаси 1324 (х.й.х.), (1906 йил м.х.й.) деб кўрсатилган. Асарнинг ёзилиш санаси эса ноаниқ. Биздаги нусхаларнинг айрим бетлари, жумладан, 1-3, 15-16, 40-46 йўқолган. Асар форс тилида Мухйи тахаллуси билан битилган. Ғазаллардан таркиб топган. Унда билиш фалсафаси, борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари, тасаввуф таълимотида кадрятлардан саналган тавба, огоҳлик, ғафлат ва унинг зарари, илму-урфонга бўлган интилиш ва ҳоказо ғоялар баён этилган. Ғазалларнинг мавзуси орифона, ошиқона бўлиб, унда қиёмат, савоб, гуноҳ, дўзах, жаннат каби тушунчалар изоҳи итиора ва ўхшашишлар орқали ифода этилган. Асар охирида қодирия тариқатининг машхур маросимларидан бири “Хатми ёздаҳум”⁴нинг қондаси берилган.

“Қасидаи Ғавсия”.

“Қасидаи Ғавсия”нинг бир қисми сулс ёзувида, асарнинг қолган қисми насталиқ ёзувида битилган. Абдулқодир Жийлоний “Қасидаи Ғавсия” асарида ўзи ва қароматлари, шунингдек Ҳақ таоло назаридаги мавқе хусусида маълумот берган. Демак, ушбу асар қасидаи ҳолиядир. Асар араб тилида битилган бўлиб, ҳар бир мисра остида форсий забонда изоҳи битилган. Ҳажми 26 байт, 52 мисра бўлиб, қасиданинг мактасида шоир номи зикр этилган.

“Сиррул – асрор фима яхтажу илайҳил аброр⁵” (*Азиз ва пок кишилар тоифасининг эҳтиёжларига аталган сирларнинг сир*). Асарда инсон ҳаётида вужуд поклиги билан бирга қалб поклиги масаласига алоҳида эътибор берилади. Мусулмонлар учун фарз бўлган Ҳаж зиёрати бандани гуноҳларидан покланишига сабаб бўлса, унинг қалби учун муҳим бўлган шарт сифатида тариқатдаги Ҳаж баёни хусусида қимматли фикрлар билдирилган.

Мазкур асар муқаддимаси ва ҳажми йигирма тўрт фаслдан иборат бўлиб, тасаввуф ва ҳаёт, унга амал қилиш ва бу йўлда мансуб кишининг руҳонияти ва аҳамият берилиши керак бўлган жиҳатларга тўхтанган. Асар яна шуниси билан қимматлики, унда фалсафанинг асосий категорияси борлиқ, инсон борлиғи, билиш фалсафаси, илмлар ва унинг таснифи баён этилган. Унда жуда кўп оят ва ҳадислар учрайди.

Мактуботи Жийлоний. Ушбу асар “Сиррул асрор”нинг мантикий давомидир. Жийлонийнинг “Мактуботи Жийлоний” асари мактублардан иборат бўлиб, у бобларга, боблар фаслларга, фасллар эса нақлларга бўлинади. “Мактуботи Жийлоний” асари ҳанузгача қимматли аталганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Фақат айрим маълумотларга кўра, Аҳмад Рифоийга аталганлиги тахмин этилади. Лекин бу асардаги исталган бир мактубни ўқиган киши уни бир кишига эмас балки бутун инсониятга қарата ёзилганлигини яъни шу инсониятни яхшиликка, эзгуликка даъват этадиган йўлчи юлдуз эканлигини илғаб олиш мушкул эмас.

“Ҳибз-ул-фаҳр-ил-кабр-бил-Жийланий” (*“Жийлонийнинг фаҳрли буюк ҳибзи”*). Шарқшунослик институти қўлғамалар фондида (Москвадаги ФА бўлимида) номли асар мавжуд бўлиб, у №3523 рақами остида сақланаётганлиги ҳақида маълумот берилган⁶.

“Авроди Шайхи Абдулқодир Жийлоний”. Ҳақиқат даражасига юксалган шайхлар ва ўз муридларига илоҳий файзларни қабул қилиш йўллари ўз авлодлари орқали очиб берганлар.

Абдулқодир Жийлоний “Аврод”и қодирия тариқатига кирган солиҳ юксак манзилга – Ҳаққа етиш учун мунтазам англаб, моҳиятига етиб, мушоҳада этиб, ва қалб билан тақрорлаб туриши мумкин бўлган санолар, тангрининг исмлари, зикр, тасбеҳ, Қуръон оятлари, тиловатлари, саловат ва дуолар тўпламидан иборатдир.

Ғавсул Аъзамнинг “Авродус Султониш Шайхи Абдулқодир Жийлоний” асари таркибига Қуръон оятлари, тиловатлари, саловат ва дуолар тўплами, мусомон аҳли орасида ўтқазиладиган айрим маросимлар, (Хатми шариф маросими, Ашуро маросими ва ҳакозо) билан бир қаторда

³ Асарнинг О’зР ФА ҳузурдаги Абу Райҳон Беруний номидagi Шарқшунослик институти қўлғамалар фондида “Devoni Muhyi” номи билан 11 нусхаси сақланadi.

⁴ О’н биринчи ҳатм – яъ’ни ҳар ойнинг о’н биринчи кунидан то йигирма биринчи кунигача о’тқазиладиган маросим. (Изoh Ю.Г.)

⁵ Бу ҳақида қarang: Shayx Sayyid Abdulqodir Jiyloniyy. SIRRUL asror. Maktubot. Tajimon O. Jo’raboyev –T.: Movaraunnahr. 2005. –B.14.

⁶ Собраней Восточных Рукопей Академии Наук. Уз. СССР Под редакцией А.Уринбаева. Р.П.Джалилов. Т.11. –Т.: Фан, 1987.

“Қасидаи Ғавсия”, “Асмои ёздаҳи Ғавсул Аъзами дастгир раҳматуллоҳи алайҳ”, “Асоми Кироми” асарлари киритилган. Тўпламдаги асарлардан парчалар форс араб, урду тилларида баён этилган бўлиб, унинг муаллифи босмахона ёки кўчирилган котибнинг исми, кўчирилган санаси аниқ кўрсатилмаган. Ушбу “Аврод” асари ҳажман кичик бўлиб, еттита муножотдан иборат. 2005 йилда нашрдан чиққан “Авроди Қуръоний” асари таркибига кирган.

“Фатхур-раббоний вал фаюр-рахмоний”. Ушбу асар таржимаси (**“Раббонийликни англаш ва раҳмоний фойзни қозониш”**) номи билан нашрдан чиққан. Асар икки китобдан 68 мажлисдан иборат. Унинг биринчи китоби 34 мажлисдан иборат бўлиб, унда Абдулқодир Жийлонийнинг ваъзалари жамланган. Асарда илгари сурилган қалб поклиги, нафс ва унга қарши курашиш, илм ва амал, гуноҳ ва савоб, тавба ва покланиш, маърифат ва гўзал ахлоқ каби ғоялар бевосита ислом динининг асосий манбалари Қуръони Карим ва ҳадис асосида таҳлил этилган.

ЎЗР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтида қўлёзмалар фондида Абдулқодир Жийлонийнинг яна бир неча асарлари қўлёзмалари мавжуд бўлиб, улар тадқиқ этилиши лозим бўлган қимматбаҳо манбалардир. Булар қуйидагилар:

1. “Дуруде Кабир” №8706 бир нусха;
2. “Ғазалиёте Муҳйи” №964 бир нусха;
3. “Рисолае Ғавсия” №502, №4642 икки нусха;
4. “Ғазалиёте дуоия” №1039 бир нусха;
5. “Фатҳул Ғайб” №2632 бир нусха;
6. Ал қасидат -ул уммия №8905 бир нусха⁷;

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бой маънавий меросни ўрганиш, унга ҳурмат ва эҳтиромда бўлиш ҳар қандай замон ва маконда башарият олдидаги муқаддас бурчлардан бири саналади. Чунки бу ёдгорликлар инсон ахлоқий камолоти масаласини янада теранроқ англаб етишга кўмак беради.

⁷ Собрании Восточных Рукопей Академии Наук. Уз. СССР. Под редакцией А.Уринбаева, Р.П.Джалилов. Т.10. –Т.: Фан, 1987.